

# ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

## ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан яғонадир,  
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 16 феврал № 6 (8448)

### Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида" қарор қабул қилди.

\*\*\*

Юртбошимиз "Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

\*\*\*

Давлатимиз раҳбари "Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.

\*\*\*

"Анадолу" хабар беришича, Ўзбекистон Туркиянинг зилзиладан жабр кўрган ҳудудларига ҳозиргача 170 тонна инсонпарварлик юки жўнатган. Акция Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги "Ёшлар келажиги" жамғармаси, Ўзбек-турк ишбилармонлар уюшмаси, Ташқи иқтисодий алоқа кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган.

\*\*\*

Президентнинг "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги жамоатчилик муҳокамасига қўйилган фармони лойиҳасида аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш ва уни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, беморларга қўшимча қулайликлар яратиш чоралари белгиланди.

Инсонга эътибор: "Қишлоқ хўжалиги ходимлари саломатлиги ойлиги" давом этмоқда

### СОҒЛОМ ОДАМНИНГ ИШИДА УНУМ, ҲАЁТИДА МАЗМУН БЎЛАДИ



Шу йилнинг биринчи февралдан биринчи мартгача Ўзбекистонда «Қишлоқ хўжалиги ходимлари саломатлиги ойлиги» акцияси ўтказилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирининг ташаббуси билан бошланган кўрик давомида аграр соҳа ходимлари — фермерлар, деҳқон, боғбонлар, кластер ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, аввало, профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ҳамда скрининг назоратидан ўтказилмоқда.



Текширув натижаларига кўра, аниқланган касалликлар бўйича давлат кўмагида уларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Бунинг учун дастлаб аграр соҳа ходимлари орасидан тиббий хизматга эҳтиёжи борлар ҳамда уларнинг оила аъзолари рўйхати шакллантирилиб, улар ёши, жинси ва саломатлик ҳолатидан келиб чиқиб, тегишли гуруҳларга ажратилди. Шундан сўнг улар махсус тиббий бригадалар томонидан профилактик ва чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилмоқда.

Таъкидланишига қараганда, илк бор сурункали касаллик аниқланганлар диспансер назоратига олиниб, индивидуал соғломлаштирилади. Ўткир ва сурункали хасталиклар қайд этилган беморлардан бир гуруҳи бирламчи бўғиндаги кундузги шифохоналар-

да амбулатор шароитда, стационар ёрдамга муҳтож қатлам эса туман, шаҳар ҳамда вилоят миқёсидаги тиббиёт муассасаларида даволанади. Юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор беморларга вилоят ва республика муассасаларига имтиёзли йўлланмалар тақдим этилади. Ўз навбатида, олис ва чекка ҳамда чегара ҳудудларда сайёр тиббий бригадалар томонидан кўриклар ўтказилмоқда.

Акция доирасида ўтган ҳафтада тумандаги болалар мусиқа мактабида дастлабки тиббий кўрик вилоят мутахассислари иштирокида ташкил этилди. Унда турли йўналишдаги фермерлар бепул чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказилдилар (суратда).

Аграр соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзолари орасида ҳомиладорлар, янги фарзандли бўлган аёллар,

чақалоқлар, ётиб қолган, кекса, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бор шахслар бўлса, ушбу қатлам оила шифокори ва оила ҳамширалари томонидан патронаж қилиниб, зарур ҳолларда тор соҳа мутахассислари иштирокида хонадонларнинг ўзида кўриклар амалга оширилади. Шунингдек, тиббий текширув натижалари бўйича меҳнатга қобилиятини турғун йўқотган, организм функцияси бузилиши ва ҳаёт фаолияти чегараланиши аниқланган қатламга ногиронликни белгилаш учун тегишли органга йўлланмалар берилди.

Акция даврида текширувдан ўтказилиб, касалликлар аниқланган қатлам давлат кўмагида саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ  
олган суратлар.

"ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ" ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ БИЛАН АЛОҚАДОР ТАШКИЛОТ, МУАССАСА ВА МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Таҳририят давлат унитар корхонаси шаклига ўтганлиги муносабати билан унинг ҳисоб рақами ўзгарганлигини маълум қиламиз:  
Марказий банк Тошкент ХККМ Ҳисоб рақами:  
23402000300100001010. МФО: 00014, ИНН: 201122919  
ШХР 470010860302067011204018001, ИНН: 200178144.  
МУҲАРРИРИЯТ

УШБУ  
СОНДА:

2

\* "Замонавий мактаб лидерлар нигоҳида"  
\* Орзуим тоқиға  
етказгин, умид!

3

\* Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига  
\* Жаҳон айвонида  
\* Илҳом

4

Сабоқ бекати  
\* Дунёнинг буюк файласуфлари  
\* Мутахассис оғоҳлантиради  
\* Билиб қўйган маъқул



Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига



Ҳиндистонда етади: катта империяни вужудга келтиради. Аммо, унинг дили ўксик, кўнгли яримлигича қолаверади. Чунки, гарчи, буюк саркарда, беназир ижодкор, қатор лирик девонлар, “Бобурнома”, “Муфассал”, “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, “Муסיкий илм” ва бошқа асарлар яратган, қатор фарзандлар улғайтирган бўлса-да, ўзини ғариби-нотавон сезади. Чунки у киндик қони тўкилган, отаси, боболари тупроғи ётган муқаддас Ватанидан йироқда эди.

Ҳар гал Бобурмирзо ғазали билан бетакрор ҳофиз, раҳматли Маъмуржон Тўхтасинов ижросидаги “Яхшилиғ” кўшиғини тинглаганимда, борлиқни унутиб, Бобурмирзо руҳиятида кечган азобларни қалбан ҳис қиламан. Гўё шоир шу бир неча сатр ғазалининг ўзига бутун ҳаётини жо айлагандек:

*Ким кўрибдир, эй кўнгли,*

“...ҚОЛДИ ФАЛОНДИН ЯХШИЛИҒ”

Ҳам шоҳ, ҳам шоир, ҳам улғ саркарда Бобур ҳақида гап борганда, негадир кўз ўнгимизга Пиримқул Қодиров асари асосида яратилган “Бобур” видеофильмидаги бош рол ижрочиси Муҳаммадали Абдуқундузов талқинидаги шоир суврати келади: бўйчан, келишган, ҳар бир жумлани эмас, сўзни чуқур мулоҳаза билан тилга оладиган ўткир мушоҳада соҳиби. Уни томоша қилган ёки асарни ўқиган ҳар бир инсонда улғ аждодимизнинг шоирлик, саркардалик салоҳиятидан ташқари жигаржонлиги, ахлоқан покдомонлиги, ички маданияти, бечораларга қайишувчанлиги, мусулмончилик ва шариат қоидаларига қатъий амал қилишидан таъсирланиш ва айни пайтда фахрланиш туйғуси уйғонади. Ун икки ёшида тахтга ўтирган, қирқ етти ёшгача давлат арбоби, шоҳ бўла туриб яхшиликдан кўра ёмонликни кўп кўрган Бобурмирзонинг қийинчиликлар олдида ҳеч қачон иродаси букилмаганига қойил қолмай бўлмайди, албатта.

Тож-тахт таллашишлар, кичик-кичик давлатлар ўртасидаги ғанимликлар Бобурнинг ёш бўла туриб бобокалони Амир Темур, теурийлар салтанатини тиклаш йўлидаги интилишларига монелик қиларди. Бу талотўплар бора-бора уни “ўз юртини қўйиб, ҳинд сори юзланиши”га сабаб бўлади. Бобурмирзо ўз юртида етолмаган ниятларига олис

*аҳли жаҳондин яхшилиғ,  
Кимки, ондин яхши йўқ,  
кўз тутма ондин яхшилиғ.*

Улғ шоир талқинида бу ўткинчи—кўналға дунёга инсон бўлиб келибсанки, умрингни яхшилик либосига ўрагин, сендан фақатгина мана шу сифат қолади, деган ақида ҳамиша устувор бўлиб қолган. Ва бу олтин қондасига унинг ўзи сўнги нафасигача амал қилди.

Яхшилик, у ўзи нима? Яхшилик қилмоқ учун мол-дунё сарфлашнинг ҳам ҳожати йўқ. Инсон кўнгли энг нафис гулдан ҳам нозик: лаҳзада сўлади, лаҳзада яшнаб кетади. Кўзлари ниҳон бўлаётган ота-онани зориқтирмай зиёрат айламоқ ҳам яхшилик. Йиқилганни турғазмоқ, оғир юкни кўтаришга ёрдамлашмоқ, оғзи қуриган одамга бир қултумгина сув тутмоқ ҳам яхшиликдир. Дилгир одамнинг кўнглини икки оғиз ширин калом билан кўтармоқдан яхши иш борми? Кимдир ғийбатлашаётган бўлса, ундан қайтармоқ ҳам у дунёи бу дунё учун яхши экан. Истаган одам ҳар онда, ҳар кунда ўнлаб яхшиликлар қилса бўларкан. Зеро, яхшилик инсон аталмиш буюк мавжудотнинг оёғи остидан ҳар қадамда топиларкан, аммо...

Тун-кун билан, оқ-қора билан ёнма-ён бўлганидек, отинг ўчгур ёмонлик ҳам ҳаётдан ўз улушимни олиб қолай, дея яшаркан-да. Тилдан-дилга, душ-

мандангина эмас, дўстан-дўстга етаётган ёмонликни у ёққа қўйиб туриб, отадан ёки онадан ўз зурриёдига етаётган ёмонликка нима дейсиз?!

У дунёга келди, яшади, улғайди, элга қўшилди. Камлик-кўстлик тортмади: егани—олдида, емагани—кетиди. Аммо, юрагининг туб-тубида бир бўшлиқ бор—менинг отам қандай одам экан ўзи?! Болалигида қулоғида қолган бир гап фикрида айланади: “Болам, бошқасини деб отанг бизни ташлаб кетдилар!”. Бола онасидан яширинча отасини қидириб кўрди, тополмади. Ота эса шундай зурриёди борлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмай, ўз кунини кўриб юрибди.

Қизалоқ уззукун дераза олдида кетмайди. Бирор шарпа сезса, “онам келдиларми?” деган ўй билан йўлга қарайди. Тарбиячилари қанчалик уришишмасин, қизалоқни дераза олдида

қайтаришолмайди. “Бугун онам, албатта келадилар” деган гапни такрорлашдан чарчамайди у. Онаси эса зурриёдини аллақачон эсдан чиқариб, кўнги кўчаларида сархуш кезмоқда.

Бундай ёмонликдан Аллоҳнинг ўзи асрасин! Миллиондан бир бўлганда ҳам кўп бу ёмонлик! Шуларни ўйлаганимда, Бобурнинг бемор ётган Ҳумоюнмирзо атрофида айланиб, ўз жонини унга нисор айлаб, бўзлаганлари ёдинга тушади. Охиратлари обод бўлсин ўша тарихчилар-у, Пиримқул Қодировларнинг. Улар туфайли улғ аждодларимизнинг бундай сифатларидан бугун ҳам огоҳ бўлмоқдамиз. Ҳасад, таъма, беписандлик, ёлғончилик, товламачилик, иккиюзламачилик, бетгачопарлик... Ёмонликларнинг уруғига ўт тушсин! Аммо улар ҳам иймони сустроқ одамларнинг қисқагина умридан ўз улушини оляпти-да. Уларга чап беролсак, қанийди, одамлар! Бобурмирзонинг таъбирлари билан айтганда, “Одам боласи бу дунёга инсонлик тариқати ила ташриф буюрар экан. Шу тариқат ичида ўз муродига етмоғи лозим. Йўқса, унга инсон деган ном ҳайф кетади”. Инсон шундай яшасаки, токи буюк аждодимиз айтганларидек, умр поёнига етганда, “...Даҳро қолди фалондин яхшилиғ” дея авлодлари хотирлаб юрсинлар.

Хадичахон КАРИМОВА

JAHON  
AYVONIDA

ТУРКИЯДА АСТА-СЕКИН  
ҲАЁТ ИЗИГА  
ҚАЙТМОҚДА



6 февраль куни Туркия жанубида содир бўлган икки кучли зилзила оқибатида камида 35 мингдан ортиқ инсонлар ҳалок бўлган. Бу ҳақда Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўған маълум қилди.

Айни пайтда бир неча давлатлар қатори фалокат рўй берган ҳудудда Ўзбекистон ФВВ қутқарувчилари билан ҳамкорликда кўмак ишлари жадал олиб борилмоқда.

Маҳаллий аҳоли эса ҳар қанча оғир бўлмасин, тақдирга тан бериб, ҳаётни қайта бошлашга ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатда аста-секин ҳаёт изига қайтмоқда.

ИСРОИЛДА НОРОЗИЛИК  
НАМОЙИШЛАРИ ДАВОМ  
ЭТМОҚДА



Шанба куни оқшомда Исроилда Бош вазир Биньямин Нетаньяху ҳукумати сиёсати ва унинг режалаштирилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларига қарши навбатдаги оммавий норозиликлар бўлиб ўтди. Энг йирик намоийш, аввалги ҳафталарда бўлгани каби пойтахтнинг давлат идоралари яқинида бўлди.

Тарихнинг ўчмас излари



БОБУР ЎТГАН ЙЎЛЛАР БУ...

Темурийзодалар наслдан бўлган Бобурмирзонинг шоҳ, саркарда, шоир сифатида кўп азиятлар чекканини у ҳақда битилган тарихий, бадиий асарлардан ўқиб, ўрганганмиз. Буни қарангки, ўша талотўп даврларда буюк аждодимизнинг пой-қадамлари туманимиз ҳудудларигача ҳам етган экан. Дунёга машҳур “Бобурнома”да “Марғилондан узоқ бўлмаган жойларда оқ кийикни учратиш мумкинлиги” ҳақида ёзади. Ўша шоҳдор ок кийикнинг калла суяги Тепатаги маҳалласидаги ҳазрат Атоуллоҳ мақбараси ичида ҳозиргача сақланади.

Мазкур асарда танаси қизил, тупулғу номли дарахт ва ирғай бутаси ҳақида маълумотлар берилган. “Ирғайдан турли совғалар ясаб, узоқ жойларга табаррук қилиб олиб борадилар, тупулғудан қушларга қафас, қамчиға даста, асо ясалади”, дейилган мазкур асарда. Дарҳақиқат, хунармандларимиз Чиганақ қишлоғи яқинидаги дарахт ва буталардан сават учун новдалар тўплаб, қамчи дасталари, совғалар тайёрлашган.

Тошкентлик журналист, шажараси теурийлар авлодларига тақаладиган Санобархон Раззоқова: “Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо вафот этганда Бобур еттинчи даражали саркарда бўлиб, авлиё Шомирза отадан икки қўлда қилич билан жанг қилиш санъатини Шомирзатепеда ўрнаётган бўлган ва зудлик билан Шомирза ҳалфа Бобурни Ахси-кентга олиб борган экан”,—деб маълумот беради.

Тарихдан маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур учун оғир дамлар унинг водийга қайтиш чоғида юз берган эди. Ўшанда Бобур қўшини узоқ йўл юриб, анча ҳолдан тойган, ўлат туфайли отлардан ҳам айрилган чоғда Қувадаги ботқоқдан ўтишда кўприк қулаб, яна талафот кўрган пайтда унинг қўшини қаттиқ саросимага тушиб қолади. Ана шу вазиятда Андижонга раҳна солётган Султон Аҳмадининг тўсатдан вафот этиши Бобур ва ёнидагиларда катта умид уйғотади. Али Дўст Тоғай Марғилонга ҳоким этиб тайинланади. Омади келган Бобурга Фарғона амирлари чопар юбориб, зудлик билан бу ерга ке-

лишини, унга ёрдам беражакларини билдиришлари иложсиз қолган Бобур учун айни муддао эди. Шундай қилиб Бобур атиги 240 нафар қўшини билан зафар қучади ва 1499 йили Андижонни такрор қўлга киритади.

Қирғизистонлик олима Ҳ.Бекмирзаева шундай ёзади: “Бобур сўнги марта 1503 йилда Марғилонда бўлган ва маълум муддат яшаган. Ўшанда Марғилоннинг 12 та дарбозасидан бири Шомирза дарбозаси бўлган”.

Тарихий манбаларга таяниб айтиш мумкинки,

**“Бормоққа не маскан муяссар,  
Турмоққа не давлат муқаррар”**

сатрларини бежиз битмаган буюк аждодимизнинг табаррук излари туманимиз ҳудудларидан ўтган ва унинг саркардалик салоҳиятида Шомирза отанинги ҳам ҳиссаси бўлган экан.

Тоҳиржон УСМОНОВ,  
18-мактаб ўқитувчиси.  
Раҳматуллоҳ  
БОЙМУҲАММЕДОВ,  
Ўзбекистон Халқаро  
ислом академияси  
3-босқич талабаси.

Илҳом

ЧИҚДО

*Ўн икки ёшимда умр йўлима,  
Тахт деган “чипқонлар” чиқди қўлима.  
Ёшлик баҳорларим айланди кузга,  
Тахт ўзи нимадир, у ўзи нима?!*

*Мирзо Улуғбекка у қилмади вафо,  
Ўғилнинг отага аҳди бебақо.  
Бойқаро қатл этиб набирасини,  
Гўдакнинг жонига қилди-ку жафо.*

*Ғазалга берилдим жоҳил бўлмадим,  
Майпарастлик бобида моҳир бўлмадим.  
Эгалик қилдим-у Темур тахтига,  
Эътиқод аҳлига воқиф бўлмадим.*

*Тахт менинг юртимдан қилди бегона,  
Тупроқ бу азиздир, Ватандир она.  
Тақдирим боғланди ўзга юртларга,  
Подшоҳмен, лек кўнглим бўлди ғамхона.*

*Юрагим ўртанди куй нолаасидан,  
Қўрқамен тахтларнинг мен сояасидан.  
Ғанимлар айлаган юртдан мосуво,  
Бобурмен, Темурий сулоласидан.  
Шавкатжон ШАРОПОВ,  
ХДП туман кенгаши раиси.*

## Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Тилини тийиб, ўз замонасини яхши билган ва йўлини тўғри қилган кишига Аллоҳ раҳм айласин.

Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан Дайлабий ривояти.

Дунёда иккиюзламачи бўлган кишилар қиёмат кунда оловдан бўлган икки юз билан келишади.

Саъд (розияллоху анху)дан Табароний ривояти.

Аллоҳ шундай бандга раҳм қилсинки, у яхши нарсани гапириб, фойда олган ёки ёмон нарсани гапиришдан ўзини тийиб, омонда қолган.

Халид ибн Абу Имрон (розияллоху анху)дан ибн Муборак ривояти.

Ҳикматнинг боши Аллоҳ азза ва жалладан кўрқидир.

Саҳл ривояти.

Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам) дедилар: "Онам мени туққан пайтларида у зотдан нур таралди. Уша нур Бусро қасрини ёритиб юборди.

Абул Фажъо (розияллоху анху)дан Саъд ривояти.

"2002 ҳадис"дан.

(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).

"Мунир" нашриёти.

Тошкент—2022 йил.

# Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб  
доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб  
дарё бўлур.  
Алишер НАВОИЙ.

### ҲАЁТИ...

Буюк ҳақим, олим ва файласуф ибн Сино Бухоро шаҳри яқинидаги Афсона қишлоғида туғилди. У 19 ёшга тўлганда она шаҳри Бухорони қорахонийлар босиб олдилар. Босқинчилар шаҳарни буткул вайрон қилиб, кўплаб маданий бойликларни йўқотиб юборишди. Бу вақтга келиб, ибн Сино истеъдодли ҳақим ва файласуф сифатида танилиб улгурганди. Кўп ўтмай

ларга етдики, ўша даврнинг энг ҳурматли ҳақимлари менинг ҳузуримга маслаҳат сўраб кела бошладилар. Мен ҳақимлик амалиёти билан ҳам тинмай шуғулландим ва ниҳоят менга инсонларни даволаш илмининг дарвозалари кенг очилди. Бу вақтда эндигина 16 ёшга тўлгандим. Ана шу ёшимда тунлари уйку, кундузлари ҳаловат нелигини билмай фақат илм билан машғул бўлдим, инсон табиати ўз билим-

уни ташлаб кўйдим. Бир куни муқовасозлар бозоридан ўтаётгани билан савдогарнинг ўз китобларини мактаётганини эшитиб қолдим. Дўконга яқин бордим. Савдогар менга китоблардан бирини кўрсатди. Бу Абу Наср Форобийнинг "Метафизиканинг асосий қоидалари" деб номланган асари эди. Мен жаҳл аралаш бу тушунарсиз илмдан ҳеч қандай фойда йўқлигини айтиб, китобни рад этдим. Сотувчи эса кўярда-қўймай китобни арзон баҳода сотиб олишга ундарди. Ахийри китобни бор-йўғи уч дирҳамга сотиб олдим. Уйга қайтиб, китобни мутолаа қилишга киришдим: у менга ўз сирларини очди ва мен фалсафага оид барча саволларимга жавоб топдим".

Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларидан улуғ саодатни ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.

Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим.

Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга киритиши мумкин.

Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалроқдир.

"Ҳақиқат манзаралари"дан.  
"Янги аср авлоди".  
Тошкент—2002 йил.

### Дунёнинг буюк файласуфлари

## АБУ АЛИ ИБН СИНО (980-1037)



Шарқда уни "Шайх-ар-раис", яъни "Донишмандлар етакчиси" деб атай бошладилар. Ибн Сино жуда кўп мутолаа қиларди. У илм чўққиларига мустақил ўқиб-ўрганиш йўли билан етиб борди. Бу ҳақда алломанинг ўзи шундай ёзади: "Ун ёшимда Қуръонни ўргандим, бадийий адабиётларни ўрганиб чиқдим. Кейин мантиқ илмига оид китобларни мутолаа қилиб, мустақил равишда бу илмининг нозик қирраларини ўзлаштира билдим. Шундан сўнг тиббиёт илмига мурожаат қилиб, кўплаб китобларни ўқишга тутиндим. Қисқа вақт ичида менинг тиббиёт соҳасидаги билимларим ва даволаш санъатим шундай сарҳад-

ларини мустаҳкамлаш ва илм йўлида олға боришга қай даражада қодир бўлса, мен ҳам шу даражада ҳаракат қилиб, тер тўқдим".

### ...Ҳикмати

Ибн Синонинг фалсафий жиҳатдан шаклланиши осон кечмади. У бир тасодиф туфайли фалсафа оламига кириб борди. Бу ҳақда ўзи шундай ёзади: "Арастунинг "Метафизика" асарини ўқиб чиқдим. Аммо муаллифнинг мақсади мен учун жумбоқлигича қолаверди. Асарни то ёд бўлгунча қайта-қайта ўқидим. Лекин барибир ҳеч нарсанга тушунмадим. Шундан сўнг бу тушунарсиз асар экан деган хулосага келиб,



## БОБУРМИРЗОГА ЭҲТИРОМ

Шоҳ ва шоир, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги барча жойлардаги каби туманимизда ҳам адабиёт ихлосмандлари, кенг жамоатчилик иштирокида кенг нишонланди. "Қийқи" маҳалласидаги Маданият марказида уюштирилган кечада шоир ғазали билан айтилган мумтоз кўшиқлар ижро этилди. Тадбирда туман ҳоқими Илёмбек Новиков иштирок этди, барчани кутлуғ сана муносабати билан табриклади ва буюк аждодимизга муносиб авлод бўлишга ундади.

### Мутахассис оғоҳлантиради

## ГАЗДАН ФЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Фавқуллода вазиятлар ва зарлиги сиз, истеъмолчилардан содир бўлиши мумкин бўлган газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши, ёнғин ҳамда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида, қуйидагиларга риоя қилишингизни сўрайди:

-газ ва муқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этинг;

-агар хонада газ ҳидини сезсангиз, чироқ ва учқун чиқарувчи мосламалардан фойдаланманг, дарҳол хонани шамоллатиш чорасини кўринг, тезда газни ўчиринг ва деразаларни очинг;

-ёритувчи ҳамда бошқа электр асбобларини ёқманг ёки ёниқ бўлса ўчирманг;

-газни ёқишдан олдин го-

релкага гугурт тутиб, шундан кейингина газни очинг.

-ностандарт (кўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланманг;

-иситиш печлари дудбуронларининг тоза ва соз ҳолатда бўлишини таъминланг;

-газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари ҳамда суюлтирилган углеводород газ баллонларини (анжомларини) дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кирманг;

-ошхонада ўрнатилган табиий газда ишловчи газ плиталаридан хоналарни иситиш мақсадида фойдаланманг;

-хоналарни иситишда очик олов (кўмир ва ўтин чўғлари) дан фойдаланманг;

-ҳавони алмаштирувчи ша-

моллатиш шахталари ёки тунукларни очик ва ишчи ҳолатда бўлишини таъминланг;

-уйингизга келган фавқуллода вазиятлар, "Худудгаз таъминоти" ходимлари тавсияларига риоя қилинг;

-газ плитада носозлик аниқланса, "104" рақами орқали газ-авария хизмати, ёнғин содир бўлган тақдирда, ёнғин-қутқарув хизматининг "101" телефон рақамига хабар беринг.

Бу қоидаларга амал қилиш билан ўзингиз ва яқинларингизни юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисалардан асраган бўласиз!

**Ж. ЖЎРАБОЕВ,**  
фавқуллода  
вазиятлар бўйича туман  
бўлими бошлигининг  
ўринбосари, капитан.

### Билиб қўйган маъқул

## СЕДАНА

Бу сўғориладиган ерларда ўсадиган ўсимлик уруғи бўлиб, арпабодиён уруғига ўхшайди. Лекин ундан узунроқ ва ингичкароқ, ранги қора ва хиди аччиқ, гули сариқ оққа мойилроқ ва шунингдек, бинафшаранги ҳам бўлади. Барги учдор, узунчоқ, уруғи ғилоф ичида бўлади. Қуввати етти йилгача сақланади.

Мижози иккинчи даражада қуруқ ва иссиқ.

### Унинг шифобахшлик хислатлари

Кераксиз рутубатларни пиширувчи ва уларни ташқарига ҳайдашга тайёрловчи ҳисобланади. Шунингдек, ички аъзоларни покловчи ҳамдир. Буни ейилса ва қўйиб боғланса совуқ мижозли йўтални ҳамда қайт қилишни тўхтатади. Кўкрак қафасининг ички аъзолари, сариқ касаллиги, юракнинг беҳузур бўлиши, талоқ хасталиклари ва бодли қўланжга даво бўлади. Буни ҳар куни наҳорда оч қоринга еб турилса, рангни қизартиради, юзни мусаффо қилади, сирка билан ейилса меъдадаги барча турдаги қуртларни ташқарига ҳайдайди. Унинг 4,5-10,5 граммини илқ сув билан ейилса, қутурган ит қопганига даво ва асал билан ейилса, нотўғри нафас олишни даф қилади, қоражигар ва қовуқдаги тошларни майдалаб тўкиб юборади, эски иситмаларга шифо бағишлайди.

(Давоми бор).

"Шарқ табобати" журналидан.

Азиз муштарий! Ҳафтаноамизда улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

## ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:  
Қўштепа ТУМАНИ  
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАХРИРИЯТ  
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:  
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан  
2007 йил 9 январда 12-012 рақами  
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:  
151111,  
Марғилон шаҳар,  
Бобур номи маҳалла,  
Соҳибқор кўчаси, 4-уй.  
Телефон ва факс:  
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТИНИНГ  
Pentium - IV  
КОМПЮТЕРИДА  
ТЕРИЛДИ ВА  
САҲИФАЛАНДИ.  
Дизайнер:  
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ  
босмахонасида 3003  
нусадада чоп этилди.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Манзил: Марғилон шаҳар,  
Туркистон кўчаси,  
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:  
64875  
Буюртма № 106  
Топшириш вақти 18.00  
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:  
Ҳадичаҳон КАРИМОВА  
ISSN 2010-9253  
9 772010 925307